Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 июль куни Дўрмон қароргоҳида Афғонистондаги Бирлашган фронт раҳбари Аҳмад Шоҳ Масъудни қабул қилди.

Ўзаро мулоқот чоғида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ташкил этилган «6+2» гуруҳининг куни кеча бўлиб ўтган Тошкент учрашуви, унда муҳокама этилган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Мамлакатимиз раҳбари минтақада хавфсизлик ва барқарорлик масаласига эътибор қаратиб, Афғонистонда қуролли ҳаракатларга барҳам берилиши ва бу заминда тинчлик ўрнатилиши бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этажагини таъкидлади.

Негаки, бугун Афғонистондаги аҳвол мамлакатнинг ўзигагина эмас, балки унга чегарадош давлатлар, қолаверса умумжаҳон хавфсизлигига жиддий таҳдид солиб турибди. Бу таҳдид Афғонистондаги уруш олови учқунларининг ён-атрофга сачраши, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг авж олиши, террорчилик ва диний экстремизмнинг томир отиши баробарида ҳалокатли мазмун касб этаётир. Зеро, дунё тобора жипслашаётган, ер юзининг қайсидир бурчагида кечган ҳодиса зум ўтмай бошқа қутбда акс-садо бераётган айни шароитда ҳар қандай воқеанинг бир жойда турғун қолиши мантиққа зиддир.

Суҳбат чоғида «6+2» гуруҳи учрашувида қабул қилинган Тошкент Декларациясининг амалий жараёни хусусида ҳам сўз борди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)



Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 22 июль, пайшанба • № 84 (24.479).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси

Афғонистон билан чегарадош «Олти қўшув Икки» гуруҳи мамлакатлари: Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, Россия Федерацияси ва Америка Қўшма Штатлари ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари шу йил 19-20 июль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили жаноб Лахдар Брахими иштирокида Афғонистондаги вазиятни кўриб чиқиб, афғон халқининг ҳақиқий дўстлари сифатида, Афғонистонга тинчлик ва равнақ тилаган ҳолда қуйидаги тамойилларни тасдиқлади.

Биз ҳукуматларимизнинг Афғонистонда давом этаётган ҳамда минтақавий ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф туғдираётган ҳарбий қарама-қаршиликлардан ниҳоятда ташвишда эканини изҳор этамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг резолюция ва қарорларидаги қоидаларга мос равишда Афғонистондаги зиддиятни тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз ва биз, шунингдек, илгари «Олти қўшув Икки» мамлакатлари қабул қилган қарорлардаги «муҳокама учун бандлар» ҳамда «якдилликка эришилган масалалар» тўғрисида эслатиб ўтамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳонда эътироф этилган воситачи ташкилот сифатида Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишга эришиш бўйича амалга оширилаётган халқаро саъй-ҳаракатларда марказий ва холис ўрин тутиши лозим, деб ҳисоблаймиз ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Махсус миссиясининг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда миллий якдиллигини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистонда юз бераётган инсон ҳуқуқларининг, жумладан этник кам сонли аҳоли, аёллар ва қизлар ҳуқуқининг поймол қилиниши, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрларининг бузилишидан чуқур ташвишга тушаётганимизни баён қиламиз.

Биз минтақа учунгина эмас, унинг ташқарисида ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган наркотик моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва уларнинг ғайриқонуний айланиши, ғайриқонуний қурол савдоси авж олаётганидан чуқур ташвишдамиз.

Биз, шунингдек, Афғонистон ҳудуди, айниқса «Толибон» ҳаракати назорат қилиб турган ҳудудлар, террорчиларни яшириш ва уларни ўқитиш учун фойдаланилаётгани ва бунинг оқибати Афғонистон ва у билан қўшни мамлакатлар, ҳатто чегарадош давлатлардан узоқдаги мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатар туғдираётганидан ташвишдамиз.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, биз қуйидаги хулосага келдик:

1. Афғонистондаги зиддиятни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги ва у кўп элатлик ҳамда барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш мақсадида тинч сиёсий музокаралар йўли орқалигина мувофиқлаштирилиши мумкин.

2. Бинобарин, биз Афғонистондаги томонларни мана шу мақсадларга эришишга қаратилган сиёсий музокараларни қайтадан бошлашга даъват қиламиз.

3. Биз душманларча хатти-ҳаракатларни тўхтатишга эришишга кўмаклашиш мақсади ўзимиз учун муҳим деб ҳисоблаймиз ва Афғонистондаги бирон-бир томонни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламаслик ҳамда ўз ҳудудларимиздан бу мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ҳақида келишиб олдик. Биз халқаро ҳамжамиятни Афғонистонга қурол етказиб беришнинг олдини олиш учун мана шундай саъй-ҳаракатларга даъват қиламиз.

4. Биз Афғонистон томонлари ўртасида бевосита музокаралар бошланишига кўмаклашишга тайёрлигимизни билдирамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюция ва қарорлари ҳамда мазкур Декларацияга биноан ўтказиладиган бу музокаралардан мақсад юқорида кўрсатиб ўтилган 1-банд ижроси бўйича афғонлараро битимга эришишдир. Биз «Олти қўшув Икки» гуруҳи аъзолари сифатида бу жараённи алоҳида-алоҳида ҳамда биргаликда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

5. Биз музокаралар жараёни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида ўтиши лозим ҳамда у икки босқичдан иборат бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

(а) Биринчи босқичнинг асосий мақсади ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат бўлади. Бу чора-тадбирлар:

(i) Ўт очишни дарҳол ва сўзсиз, ҳеч қандай шартларсиз тўхтатиш бўйича битим имзоланишини;

(ii) Бу босқичда зиддиятга аралашган икки томон — Бирлашган Фронт билан «Толибон» ҳаракатининг ваколатли делегациялари ўртасида битимларга эришиш, шу жумладан:

— асирларни айирбошлаш;

— ички тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда ўзаро савдо ва турли афғон гуруҳлари назорат қилиб турган ҳудудларга мурувват ёрдами етказиб бериш учун йўлларни очиш мақсадида бевосита музокаралар ўтказишни ўз ичига олади.

(в) Иккинчи босқичнинг асосий мақсади афғонларнинг ўзи Афғонистоннинг келажакдаги давлат тузилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши ҳамда қисқа вақт ичида кўп этник ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришидан иборатдир.

6. Афғонистон билан чегарадош давлатлар вакиллари наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш истагидан келиб чиқиб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кучайтиришга келишиб олдик. Шу муносабат билан биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу жараёнда наркотик моддаларни назорат қилиш Халқаро дастурининг муҳим ўрин тутишини эслатамиз ва таъкидлаймиз.

7. Биз «Толибон» ҳаракатини Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ўзининг Эрон Ислом Республикасининг Мозори Шарифдаги Бош консулхонасининг дипломатик ва консуллик ходимларининг ва Ислом республикаси янгиликлар агентлиги мухбирининг ўлдирилиши хусусидаги текширишлари натижаларидан хабардор қилишга чақирамиз ҳамда «Толибон» ҳаракатини айбдорларни жазолаш мақсадида бу қотилликлар бўйича халқаро текширувлар билан тўла ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

8. Биз Афғонистон томонларини, айниқса «Толибон» ҳаракатини халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана бериш ва уларни ўқитишни тўхтатишга, террорчиларни суд жавобгарлигига тортиш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашишга чақирамиз.

9. Биз Афғонистон томонларида халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига мувофиқ равишда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва барча афғонларнинг фундаментал эркини тўла ҳурмат қилиш туйғуси ва масъулиятини уйғотиш учун бутун кучимизни сарфлашга тайёрмиз.

10. Биз юқоридаги 1-бандга мувофиқ тузиладиган Афғонистоннинг янги ҳукумати билан Афғонистон ва минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон қочқинларининг ўз жойларига қайтиши ҳамда БМТ муассасалари ва дастурлари, халқаро молиявий ташкилотлар ва ёрдам берувчи мамлакатлар кўмагида Афғонистоннинг тезда тикланиши ва оёққа туришини таъминлаш мақсадида барча соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

11. Биз халқаро ҳамжамиятни Бош котиб Афғонистон учун Фавқулодда мақсадли жамғарма мавжудлигини эслатган ҳолда мурожаат қилганидек, 1999 йил 1 январдан 31 декабрга қадар Афғонистонга фавқулодда мурувват ёрдами ва тикланиш учун ёрдам кўрсатиш бўйича биргаликда ҳаракат қилишга бўлган муассасалараро даъватга эътибор қаратишга чақирамиз. Жойларни миналардан тозалашни қўллаб-қувватлаш ўта муҳим иш ҳисобланади.

12. Биз халқаро ҳамжамиятни бу таклифларни қўллаб-қувватлашга ҳамда Афғонистондаги зиддиятни тезлик билан бартараф этишни таъминлаш бўйича мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар қилишга, шунингдек Афғонистондаги барча кучларни сиёсий ирода ва доноликни намоён этиб, ўзаро келишмовчилик ва душманликка барҳам беришга ҳамда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилиши мумкин бўлган бу тарихий имкониятни қўлдан бермасликка чақирамиз.

13. Мазкур Декларация икки асл нусхада, инглиз ва рус тилларида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида, бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил июль ойининг 19 кунида битилди.

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати номидан

Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати номидан

Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати номидан

Тожикистон Республикаси Ҳукумати номидан

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан

Россия Федерацияси Ҳукумати номидан

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати номидан

Кузатувчи сифатида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан

Оловларда омон қолган гул

Бағишлов

Она Ўзбекистоним!

Онажоним, Ватаним!

Сенинг ҳар кунинг тарих. Ҳар кунинг абадият бағрига нур бўлиб сингар экан, мангуликнинг ўчмас қўшиғи бўлиб янграяпти. Бу қўшиқ, бу кунлар келажак авлодларнинг қалбини, шуурини ёритажак. Тиллардан тилларга кўчажак. Бу чоғлар — Истиқлолнинг шукуҳи халқ қадар, дунё қадар абадийдир. Омон-омон дамларда шу гапларни айтмоққа энди асос бор! Ишонч бор энди! Биз энди яшаймиз. Ўзбек деган, Ўзбекистон деган ном тириклик саҳнида ўз ўрнини ўчмас қилиб қолдирди.

Дунёнинг юзи ёришади — Ўзбекистон десак. Олам мунаввар тортади ўзбекмиз десак. Тирикликни севувчи, ҳаётпарвар бани-башар бағрини кенг очади озод Ўзбекистон ҳақида сўзласак!

Онажоним, юртим!

Отажоним, юртим!

Болажоним, юртим!

Сен энг оғир дамларни, қон ҳиди келган паллаларни бошдан кечирганингни узоқ ўтмишлардан эмас, куни кечадан сўрасак, айтади. Тарих гувоҳ. Ҳеч қачон тарихнинг хотираси хира тортмайди. Тарих уйғоқ нигоҳ...

Она, биз озод бўлдик, дедик.

91-йил кузагининг дастлабки куни эди.

Душманлар саф тортди...

Биз ҳеч кимга ёмонлик қилмадик — фақат озод бўламиз дедик.

Бирок, ён-веримизда уруш олови гурлади. Қон ҳиди. Қирғин-қиёмат, нолаи-зор. Орзуларимиз кулга айланиши мумкин эди, озодлигимиз оёқ остида қолиши мумкин эди. Хавф-хатар. Зулмат. Эркимиз бўғилиши ҳеч гап эмас эди. Ён-веримиз — олов. Биз эса қуёшга, самога талпиндик.

Ақли-нокислар, иродаси нафс йўлида сочилганлар иккиланди. Кўрқдилар. Бошини эркинлик йўлига бурмадилар. Шаҳди йўқ эди уларнинг, ахди йўқ эди уларнинг. Қўли қон империянинг найранглари зулмини тортиб, дарё ортида афғон тупроғида уруш кўриб келган ўғлонларинг титраб-қақшади. Яна урушми?

80-йиллар урушининг жабрини тортган хонадонлар қалқиб турди. Яна урушми?

Она юрт!

Сарҳадингдан уруш оловининг ҳадлаши ҳеч гап эмас эди. Бир қадам қўйсак ҳалокат жари. Тинчлик, бахт-иқбол манзили эса машаққатли эди..!

Ана шунда... Ана шундай кезда... бир жасур Ўғлонинг сенинг қисматингни ўз ҳаёт-мамоти билан боғлади. Миллат тақдирини ўз елкасига олди. Келажакнинг юзига тик қараб, ўз халқини ёруғликка олиб чиқиш учун шиддат камарини маҳкам боғлади. Бутун эл унга суянди. Ватан унга суянди. Унинг қалбидаги илоҳий куч Оллоҳдан эди. Улуғ авлиёларнинг руҳи мадад бўлди унга. Ўз жонини ўлимга рўпара этиб ўз Ватанини елкалаган Фарзандга дунё ҳайрат билан, ишониб- ишонмай боқиб турарди.

Худога шукр! Улуғ Инсонга тасанно! Тарихнинг кўз ўнгида бутун бир Халқ ва Миллатни ҳалокат жари ёқасидан сақлаб қолди. У Бизни, ҳаммамизни асраб қолди. Унга ишонганларни чеҳраси бугун ойдай тиниқ, қуёшдай ҳароратли. Унга ишонмаган қалби кўр, ичи кўмирларнинг бугун юзи қаро!

Она, юрт!

Бугун Сенинг озодлигингни олиб берган, юзингни нуру гулга бурган Ўғлонинг Замин тақдири учун жон фидолик қилишга тайёр. У бугун ер шарини авайлаб-асраш зарурлигини, Она-сайёрамиз биз ўйлаганчалик улкан эмаслигини, истасак планетамизни кафтимизда кўтариб туришимиз мумкинлигини бот-бот уқтираяпти. Унинг овози дунёнинг энг улуғ, энг баланд минбарларидан янграяпти. Бу — ўзбек халқининг дунёга довруғ солганидан нишона. Ҳа, илгари шу минбарларга бир кун келиб ўзбекнинг ҳам оёғи етади десалар, фалак тескарига айланар эди.

Ўғлинг фидойилиги боис сенинг бағрингда Ер шари қисмати билан боғлиқ, унинг умри, боқийлиги учун ўта муҳим, унинг жароҳатига малҳам бўлажак аҳамиятга молик анжуман бўлди куни кеча. Дунёда тинчлик истаган Инсон бугун Она ернинг бир бурчида ёнган уруш олови унинг бошқа жойига ҳам жароҳат етказади деган буюк Инсоний Ғояни ҳақиқат туғи янглиғ баланд кўтараяпти.

Она Ватан!

Сенинг қалбинг — Тошкент дунёнинг тинчлик бешигига айланди.

Дунёнинг олти давлати Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳамда Америка Қўшма Штатлари ва Россия мамлакатларидан иборат «6+2» нуфузли гуруҳ вакилларининг юқори даражадаги анжумани ўтказилди.

Мазкур йиғинда Йўлбошчимизнинг сўзлари инсон фарзандига ўзи яшаб турган курраи-замин фожиасига бефарқ қараб туришга ҳаққи йўқлигини эслатиб қўйди: *«Баъзи давлатларнинг Афғонистондан жўғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди...»*, деди У.

Бу сўзлар замиридан ер юзидаги давлатлар, одамлар бир-бирига биродар, ҳеч кимнинг уруш қилишига ҳаққи йўқ, деган улуғ моҳиятни, XXI аср сари юзлашган жаҳоннинг буюк сиёсатчи ва арбобининг қалб изҳорини ҳис қилишимиз керак.

Она юрт!

Сенинг бағрингда жаҳоний аҳамиятга молик, бутун дунёнинг тинчликсевар инсонлари кўз ўнгида содир бўлган бу қутлуғ анжуманнинг маъни-маъносини ҳар бир ўғил-қизинг юрак-юракдан, теран ақл билан ҳис этиб англаётир.

Биз тинчлик тарафдоримиз. Йўлбошчимиз ортидан эргашган, у киши атрофида жипслашиб, тинчлик дея қалққан халқмиз энди.

Она юрт!

Сенинг урушларда қолиб кетган болаларинг ҳаққи, суронли йилларнинг забти азоб берган яраларнинг ҳаққи озодлик қуёшининг нурлари гуллаб яшнаётган тупроғингда бўй чўзган гулу гиёҳларга боқий нур сочажак!

Она Ватан!

Ота макон!

Биз энди униб ўсамиз. Озод фикрлаймиз. Ҳур туғилажак фарзандларимиз Сенинг ва бизнинг бахтимизга тинчлик деб кўксини қалқон қилган Инсоннинг боши омон бўлсин.

Она юрт! Олис қашқа воҳасининг Шўртан чўлида бир ўғлинг умид билан кўчат экяпти. Бу тинчлик ҳақидаги қўшиққа ўхшаб кетади.

Чекка Қўшработ яйловларини кезган чўпон ўтовида момомиз сандиққа беқасам тўн жойлади. Тўй бўлади яқинда. Бу тинчлик ҳақидаги қўшиққа ўхшайди.

Олтинсой узумзоридан боғбон бир боши бир челакни оладиган узумни узаётиб хиргойи қилаяпти. Бу узумнинг нави — сурха. Эртапишар.

Бу тинчлик ҳақидаги қўшиқ...

Бу қўшикда Сен — Ватан, улуғ Йўлбошчи, бутун бир халқнинг орзулари бор...

Она юрт! Сен — тоғсан. Сен — гулсан!

Топдим: Оловларда омон қолган гул.

Азим СУЮН

Ташаббус гуруҳи мажлиси

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Жуда катта бунёдкорлик ишлари бажарилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Халқимиз тафаккури, дунёқарашида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Айни вақтда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида истиқлол ғоялари, миллий мафкурани шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Маънавият ва маърифат республика кенгаши вилоят бўлимини тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг мажлисида ана шу масала муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими Ш.Бегматов олиб борди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, миллий мафкурамиз асосий йўналишларини кенг халқ оммасига тушунтириш, тарғиб-ташвиқ қилиш тузилажак кенгашнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи керак-лигини таъкидладилар. Тарғибот-ташвиқот ишларига одамларни ишонтира оладиган, Ватанга садоқатли, эътиқоди мустаҳкам, одамларни ортидан эргаштира оладиган фидойи зиёлиларни жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқланди, республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев мажлисда сўзга чиқди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири

Партия ва ёшлар муаммолари

ХДП хабари

Ёшларни миллий истиқлол ғоялари, Ватанга чексиз муҳаббат, меҳнатсеварлик, доимий изланиш ва ташаббускорлик, шарқона ахлоқ-одоб руҳида тарбиялаш, уларни фаол ижтимоий ҳаётга тортиш масалалари ҳамиша Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Машъум февраль фожиасидан сўнг ушбу масалаларга эътибор янада кучайди. Шу йилнинг 20 июлида партия Марказий Кенгашида бўлиб ўтган, **«Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ватанимиз келажаги — ёш авлодни миллий истиқлол руҳи, замон талаблари ва жаҳон илғор тажрибаси асосида тарбиялаш тўғрисида»** мавзуидаги, «Давра суҳбати» шундан далолат беради.

ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳамда уларнинг тасарруфидаги кенгашларнинг масъул ходимлари, партия марказий матбуот нашрларида фаолият кўрсатаётган журналистлар қатнашган суҳбатда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А. Жалолов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг ўринбосари Б. Алимуҳаммедов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи М. Шафиев, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн қатнашдилар ҳамда муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Мулоқот иштирокчилари ёш авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлишлари учун йигит ва қизларнинг дунёқараши, иймон-эътиқодини мустақиллик руҳида шакллантиришдек, умуммилий ишда давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари, шу жумладан партия ташкилотларининг, саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур, деган хулосага келдилар .

«Давра суҳбати» да билдирилган фикр-мулоҳазалар газетанинг келгуси сонларидан бирида эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Андижон армуғони

Андижон вилояти ғаллакорлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлат омборларига 225 минг тонна сара дон етказиб берилди. Тайёрланган ҳосилнинг 175 минг тоннаси уруғликка қабул қилинди.

Андижон вилоятида ғаллачилик соҳасида бошланган тажриба, ибратли ишлар юртбошимиз эътиборига тушди. Андижонлик миришкорлар тажрибаси бутун мамлакатга ёйилди.

Бу йилги дон ўрим-йиғими мавсумида «Улуғнор», Бўз туманлари деҳқонлари карвонбошилик қилдилар. Асака тумани ғаллакорлари ҳар гектар ҳосибига 85 центнердан хирмон кўтардилар. Қўрғонтепа, Балиқчи, Шаҳрихон, Избоскан, Пахтаобод, Марҳамат, Олтинкўл, Асака, Андижон, Булоқбоши, Хўжаобод туманлари ғаллакорлари ҳам давлат шартнома режаларини барвақт бажардилар.

Андижонда дон тайёрлаш режаси бажарилган бўлсада ўрим-йиғим давом этмоқда. Буғдойдан бўшаган ерларга такрорий экинлар жадал экилмоқда. Келгуси йил ҳосили учун буғдой уруғлигини тозалаш, саралаш, дорилаш, белгиланган муддатда етказиб бериш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Хирмон тўлиб тўкилди дон

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни узининг муқаддас бурчи деб билган Тошкент вилояти ғаллакорлари ҳам улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар.

Деҳқон тоғдек хирмон уйди. Она-Ватан хирмонига 238,4 минг тонна сара дон армуғон этилиб, шартнома режаси бажарилди.

Эришилган муваффақиятга Қибрай, Тошкент, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Пскент, Зангиота, Чиноз, Бекобод туманлари ғаллакорлари салмоқли улуш қўшдилар. Ҳосилдорлик эса ўртача 30-35 центнерданни ташкил этди. 115 минг 742 гектардаги умумий ғалла майдонининг 104 минг гектардан зиёд қисмида ўрим-йиғим ишлари ниҳоясига етказилди. Ўрим-йиғим мавсумига 558 комбайн жалб қилинган бўлиб, шундан 111таси «Кейс»лардир.

Мамлакатимизнинг 8 йиллик тўйига пухта хозирлик кўраётган пойтахт вилояти ғаллакорлари давлатга яна қўшимча 10 минг тонна дон топширишга ахд қилдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Коинот сари

25 июлдан халқаро аэрокосмик мактабининг тингловчилари, ўқитувчилари ва фахрий меҳмонлари ташрифи бошланади

Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳудудида Невич деб номланувчи ажиб бир қишлоқ бор. Бу маскан ўзига хос қадимий бўлиб, тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Зеро, тақдир тақозоси билан бу қишлоқ ёш фазогирлар манзилига айланган.

Гап шундаки, 30 йил аввал Тошкентда машинасозлик конструкторлик бюроси ташкил қилинганди. Бу хайрли иш ўша замонда собиқ Иттифоқ марказидагилар томонидан юргизиларди. Албатта, кўзда тутилган режалар , мақсадлар ҳарбий саноат мажмуаси ва космос соҳасига тегишли ҳисобланиб, ниҳоятда сир сақланган. Боиси у даврларда АҚШ ва собиқ Иттифоқ ўртасида ер ва космос билан боғлиқ «Самовий уруш» дастурини рўёбга чиқариш йўлида рақобат юзага келганди.

Шундай қилиб, машинасозлик бўйича Тошкент конструкторлик бюросида коинотга даҳлдор бўлган йирик антеналар, турли асбоб, агрегат ва мосламалар космик аппарат ва станциялар учун тайёрлаб берилган. Хусусан, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан яратилган бурғулаш ускунаси фазогирларнинг ойга қадам қўйишида асқотган. Ўша ускуна ёрдамида биринчи марта ойдан ўзига хос қазилмалар ерга олиб тушириллган. Кейинчалик олим, муҳандислар ва конструкторлар мураккаброқ тажрибалар учун хусусан, Марс ва Зуҳро сайёраларини ўзлаштиришга мўлжалланган турли мосламалар яратилишида бевосита иштирок этдилар.

Академик Шавкат Воҳидов ва космонавт-учувчи генерал Владимир Жонибековнинг саъй-ҳаракатлари билан Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси

Мустақиллик ёшлари

ташкил этилгач, мазкур жамғарманинг самараси ўлароқ аэрокосмик мактаби юзага келди.

Бугунги мустақиллик замонида бу мактаб халқаро мақом олиш арафасида турибди. Бу мактабга Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Покистон, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан иқтидорларнинг келиши бошланди. Ҳозирги кунда мазкур мактаб жойлашган Невич қишлоғи Тошкент конструкторлик бюроси ҳозирги «Ўзбеккосмос» давлат агентлигига қарашли «Коинот» Тошкент илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ажойиб маскани — дам олиш ҳудуди, қолаверса, илмий синов базасига айланган.

Албатта, халқаро аэрокосмик мактаби дунёга келишини ёрдамчи ва ҳомийларнинг кўмагисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан мактабнинг ташкил этилишида Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, албатта, Улуғбек номидаги жамғарма, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент авиация институти, ТошДУ каби кўплаб идора, фирмалар яқиндан ёрдам кўрсатишди. Бу сафарги ўзига хос юбилей мавсуми халқаро аэрокосмик мактабида қизиқарли лекциялар, амалий машғулотлар, авиаракетамодел мусобақалари ҳамда ёш кострукторларнинг баҳсларини ташкил этиш билан ажралиб туради. Ёшлар республика Олий Мажлиси депутатлари, шоир ва ёзувчилар, санъат усталари билан учрашадилар. Ёшларнинг ҳузурида учувчи-космонавт, генерал Владимир Жонибеков ҳамда фазогир подполковник Солижон Шарипов ва бошқалар меҳмон бўладилар. Мазкур мактабдаги йиғилиш мобайнида, шунингдек ёшларнинг Чотқол тоғи сўқмоқлари бўйлаб сайёҳатлари, «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси гелиостанциясида бўлиши, турли юлдузларни кузатиш каби режалар ҳам бор. Бир сўз билан айтганда халқаро аэрокосмик мактабининг навбатдаги машғулотлари қизиқарли ва мазмунли бўлиши кутилмоқда.

Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ



Зиёрат хулосаси — шукроналик

Яқинда биз истиқомат қилаётган ширкатлар уюшмаси раҳбарияти шу ерда меҳнат қилиб пенсияга чиққан фахрийлардан иборат гуруҳнинг Ҳадис илмининг султони — Ал-Бухорий хазратлари мажмуасига зиёратини уюштирди.

Зиёрат давомида бу ердаги бунёдкорлик ишларининг кўлами ҳамда унинг сифатини кўриб қўли гул қурувчилару, қурилиш ташаббускори Президентимиз ҳақларига дуолар қилдик. Ушбу мажмуанинг 8 ойлик муддатда барпо этилганлиги тўғрисидаги маълумот эса бизни янада хайратга солди.

Ўз моҳияти жиҳатидан «кичик ҳаж» деб ном олган ушбу зиёрат мустақиллигимиз туфайли бизга насиб этганлигидан Оллоҳга шукроналик билдирдик. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган бу каби ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга яна бир карра шукроналар айтамиз.

Рўзмат УСМОНОВ,
Янгийўл туманидаги «Тинчлик» ширкатлар уюшмасининг меҳнат фахрийси

Қарши шаҳридаги уй-жой жамғарма банки.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Сургун

Муқаддима ўрнида

Херсон ўлкашунослик музейи Каховка мудири В. Шевченко ҳатидан бир парча:

«30-йилларнинг бошларида, тахминан 1931 йили, бизнинг Херсон ҳавзамизга ўзбеклар кўчиб келиб, пахтачилик билан шуғулландилар. Ўттиз биринчи йил апрелида Каменка қишлоғида «2-Каховский» пахтачилик совхози ташкил этилиб, унинг Сергеевка қишлоғидаги бўлимига кўчиб келган аҳоли жойлаштирилди. Қишлоқда ўзбек тилида дарс олиб бориладиган мактаб очилди. Ўзбеклар дафн этилган қабристон эса ҳали ҳам сақланган.

Бахтга қарши, биз қанчалик уринмайлик, олис жойлардан бизнинг ўлкамизга бу кишиларнинг қандай баҳонаи сабаб билан кўчиб келганларини аниқлашнинг иложи бўлмади. Ҳолбуки, улар нафақат бизнинг Каховкамизда, балки бошқа туманларда, масалан, Скадовскда ҳам яшаганлар. Бу ерларда даққи Юнусдан бери яшаб келаётган баъзи бир кишиларнинг айтишларича, улар орасида махсус кўчириб келтирилган меҳнатга лаёқатли кишилар ҳам, муштумзўрга чиқарилиб, қатағон этилган ва шу ерга юборилган кимсалар ҳам бўлган».

Бундан ўн йил илгари, «Правда Востока» газетасининг 1989 йил 12 сентябрь сонида, тахминан В. Шевченконинг хати билан бир вақтда «Жавоб кутаман!» сарлавҳали бир хат ҳам эълон қилинган. Мана, ўша хат:

«Миллатим ўзбек. Астрахан шаҳрида яшайман. Ёшим 61 да. Тахминан 1935 йили Украинанинг Каховка шаҳридаги болалар уйига келиб қолганман. Бу ерда ўзбек болалари тарбияланишар, бизга Ўзбекистондан ўз она тилимизда дарсликлар келиб турарди. Икки нафар ўзбек муаллими бизга дарс берарди. Уруш бошлангач, юздан ортиқ болани Астрахан шаҳрига кўчириб кетишди. Кичик ёшдагиларни кемада Каспий денгизи орқали Красноводск шаҳрига жўнатишди. Уруш тугади. Биз Астраханда қолиб кетдик. Эсимни таниганимдан бери менга бир савол тинчлик бермайди. Қандай қилиб бундан қарийб 60 йил муқаддам ўзбек болалари Украинага келиб қолган? Менинг ҳам Ўзбекистонда қариндош-уруғларим борми? Қандай қилиб уларни топсам бўлади? Менга ёрдам беринглар, азиз юртдошлар!

Сизларга салом билан Алишер Шодмонов.

Манзилим: 414016. Астрахан шаҳри, Водников кўчаси, 13-уй 7-хонадон».

Шу кунларда Тошкент шаҳрининг Қибрай туманида истиқомат қилаётган Собир Мўминов бу хатни ўқиб, ўзининг фожиалар силсиласи билан тўла болалик йилларини эслади. Замона зайли билан ўз Ватанидан жудо этилган Алишернинг тақдирида ўзини, опаси Маҳбуба-ю укаси Шарифни кўрди. Йиғлай-йиғлай, хатда кўрсатилган манзилга жавоб ёзди. Аммо Алишердан садо бўлмади. Орадан бир-икки ой ўтгач , яна ёзди. Яна жавоб келмади. Собир Мўминовнинг қибрайлик бошқа тақдирдошлари ҳам турли йўллар билан Алишернни ахтара бошладилар. Бироқ уларнинг барча саъй-ҳаракатлари зое кетди. Алишернинг изи йўқолган эди.

Аммо туғилган юртидан зўрлик билан Украинага кўчирилган, немис фашистлари Каховкани эгаллашлари арафасида Астрахандаги болалар уйига келиб қолган Алишернинг, унга тақдирдош бўлган бошқа ўнлаб Алишерларнинг йўқолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Собир Мўминов иккинчи жаҳон уруши арафасида Каховкадаги болалар уйида тарбияланган тенгдошларини ахтаришга киришди. Унинг Алишер Шодмонов номига ёзган хати собиқ «Ёш ленинчи» газетасининг 1990 йил 16 январь сонида босилиб чиқди. Секин-аста каховкалик ўзбек болалари топила бошладилар.

Каховкалик ўзбеклар

Номи юқорида тилга олинган Собир Мўминов ҳаётининг ўн олти йили Украинанинг Херсон вилоятига қарашли Скадовск туманида ўтган. У 1930 йил мартида Қибрайда туғилиб, беш ойлик пайтида ота-онаси ва икки яшар опаси билан бирга она ватанидан сургун қилинган. 1941 йил сентябрида душман қуршовида қолиб, нафақат Шўронинг, балки фашистларнинг ҳам жабр-зулмларини кўрган. Урушдан кейин, 1946 йил декабрида, она қишлоғига қайтган Собир Мўминов 90-йилларнинг бошларидан бери ноҳақ сиёсий қатағон қурбонлари республика уюшмасининг собиқ фаолларидан бири сифатида тақдирдош дўстларини ахтариб топиш ва улар жароҳатига малҳам бўлишга уриниб келди.

Херсон вилоятидаги ўзбек фарзандлари тарбияланган болалар уйи 1935 йилга қадар Каховка шаҳрида жойлашган бўлиб, унда паноҳ топган ва Собир Мўминов учратган кишилардан бири Яков (Эргаш) Миртурсуновдир. Бугун марҳум қурбонлар қаторидан ўрин олган бу зот ўз аҳволини Собир Мўминовга бундай ҳикоя қилган?

Шаҳидлар хотираси

«Отам Миртурсун бува, онам Баҳри хола, укаларим Миржўра, Миртўралар ва синглим билан олти жон 1930 йилнинг ёзида Қибрай қишлоғидан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинганмиз. Биз, қибрайликлар Скадовск туманининг 1-пахтачилик совхозига қарашли Ниже-Галинка хуторига жойлашдик. Кейинчалик эшитишимга қараганда, отамнинг қулоқ-сургун бўладиган бойлиги бўлмаган экан. Отам қариб қолганлигидан ортиқча ерини шерикчиликка бериб, деҳқончилик қилар экан. «Ерида одам ишлатган, бировнинг кучидан фойдаланган», деб оиламизни қулоқ қилишган экан. 1933-1934 йиллардаги очарчиликда ота-онам, укаларим ҳаммалари очликдан, касалликдан вафот этишиб, бир ўзим қолганман. Аввал мени болалар уйи майдончасига жойлаштиришди. Сўнгра бошқа ота-онасиз қолганларга қўшиб, Каховка шаҳридаги болалар уйига юборишди. 1935 йилдан Херсон вилоятининг Каховка туманидаги Новая маячка қишлоғида махсус болалар уйи ташкил этилиб, бизларни ҳам ўша ерга кўчиришди. Уруш бошлангунча шу ерда тарбияландим. Ўша пайтда 16-17 ёшда эдим.

Болалар уйини мамлакат ичкарисига кўчиришаётганида мени бир кампир ўғил қилиб олди. Тутинган онам билан икки йил яшадим. 1941 йил кузида фашистлар бостириб келди. Икки йил қамалда яшадик. 1943 йил кузида биз яшаган жойлар қайта озод қилинди. Мени ҳарбий хизматга олишди. Икки йилдан ортиқ урушда қатнашдим. Ғалабани Берлинда кутиб олдим. 1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишди. Қаерга боришимни билмай турганимда, тошкентлик хизматдошларим: «Херсонда нима қиласан? Шунча йил мусофирликда сарсон-саргардон бўлганинг етмайдими?! Юр биз билан Тошкентга, қариндош-уруғларингни топиб оларсан», дейишди. Хизматдош дўстларим билан Тошкентга келдик. Бир неча ой дўстимникида яшадим. Бир куни Қибрайга тўйга айтиб қолишди. Қибрай номи менинг хотирамдан бутунлай кўтарилган, чунки, бу ердан кетганимга ўн олти йил бўлган экан. Тўйга бордик. Мен яшаган хонадон қибрайлик кишига қуда бўлган экан. Қариялар сўраб-суриштириб қолишди. Мен отамнинг исмини базўр айтдим. Ўрислашиб кетган эдим. Қибрайлик Абдурасул, Толиббой оталар «Бу бола Миртурсун аканинг ўғли-ку!» дейишиб, Замира опамни чақиртириб келишди. (У бундан ўттиз йил аввал турмушга чиқиб, шу ерда қолган экан, тўйга қий-чув, йиғи-сиғи уланиб кетди. Ҳамма ҳайрон. Тўйнинг давоми опамникида бўлди. Мен уникида яшай бошладим. Кейинчалик уйландим, бола-чақали бўлдим...)

Афсуски, 1924-1925 йилларда дунёга келиб, Шўро давлатининг «илтифоти» билан киндик қони тўкилган юртидан бадарға қилинган, бегона ўлкаларда ота-онасиз қолиб, «қулоқ» деган, «муштумзўр» деган ҳақоратли номлар билан яшаган, ўз юртидангина эмас, ҳатто ўз исмидан ҳам маҳрум этилган Эргаш ака бугун тирик «каховкалик» ўзбеклар орасида йўқ. Шунинг учун ҳам унинг «Одиссея»сини барча фожиали тафсилотлари билан нақл қилиш имкониятига эга эмасмиз.

Каховкадаги болалар уйида тарбияланган Ўғулжон Юнусова эса ўз бошидан кечган воқеаларни Собир Мўминовга бундай ҳикоя қилган:

«Бизнинг оиламиз ҳам Херсон вилояти Скадовск туманидаги 1-пахтачилик совхозига қарашли Ниже-Галинка хуторига кўчирилган. Оилада ота-онам билан тўрт қиз яшар эдик. Мен ўша пайтда 6 ёшда эдим. Отам 1933 йилги очарчиликда вафот этган. Онам тўрт бола билан жуда қийналиб қолган. Мен ва икки синглим ўша ердаги боғчага қатнаганмиз. Умри опам онам билан қолди. 1935 йили бизни Новая Маячкага олиб кетишди. Болалар уйи янги қурилган икки қаватли бинода бўлиб ўғил болалар биринчи, қизлар эса иккинчи қаватда яшардилар. Болалар уйида асосан Ўрта Осиё республикаларидан сургун қилинганларнинг фарзандлари — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар бор эди. Ўзбек ўқитувчилари дарс ўтишарди. Мактабимиз ҳам яқин эди. Йўлда кетаверишда бутхона бор эди. Болалар уйининг ҳовлиси катта бўлиб, у ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилларди. Синглим Карима касалланиб, вафот этди. Ҳакима билан (ҳозир 68 ёшда) ўша ерда урушгача яшадик. Уруш бошланганда мен 7-синфни, Ҳакима эса 5-синфни битирдик.

Болалар уйини мамлакат ичкарисига кўчирадиган бўлишди. Бизни йиғиб, кимни отаси ёки онаси бўлса, уйларига кетишсин, дейишди. Мен синглимни олиб, бошқа болалар билан уйга келдик. Уруш даврида ўша Ниже-Галинка хуторида яшадик. Онам, синглим билан совхозда ишладик. Онам 1990 йили вафот этди. Уч ўғлим, бир қизим бор. Уларни ўзим катта қилиб, уйли-жойли қилдим. Турмушимдан нолимайман. Бироқ, болалигимиз ўзга юртда азоб-уқубатларда ўтди. Отам билан синглимнинг хоки бегона юртда қолиб кетди. Урушдан кейин ҳам кўп йиллар таъқиб қилиндик, ҳақ-ҳуқуқларимизни поймол қилишди. Ана шуларни ўйлаб, эзилиб кетаман...»

Шу кунларда етмиш ёшни қоралаган қибрайлик Исроил Юсуфжонов ҳам болалик фаслининг ширин дамларини она ватанида, ота-онаси бағрида эмас, балки қувғинда ўтказган. У кечмиш-кечирмишларини эслаб, бундай дейди:

«Бизни Украинага сургун қилишганда икки ёшда эканман. Ота-онам, опам, акам ва мен Скадовск туманидаги 1-пахтачилик совхозининг IV бўлимига қарашли 1-базада яшаганмиз. Отам 1933 йилги очарчиликда вафот этган. Онам пахта даласида ишлаган. Моддий жиҳатдан жуда оғир пайтлар экан. Очликдан кўплаб ҳамюртларимиз қирилиб кетган. 1936 йилда онам Орзу опамни олиб қолиб, мени Исмоил акам билан болалар уйига топширган. Биз урушга қадар шу ерда тарбияландик. Уруш бошланганида бизлар Днепр дарёси бўйидаги лагерда эдик. Фашистларнинг самолётлари лагеримиз яқинидаги шаҳар ва қишлоқларга бомбалар ёғдирганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бир воқеани ҳеч унута олмайман. Ўшанда 14 ёшда эдим. 1943 йилнинг баҳори эди. Бир тишли плугни тўртта сигирга тиркаб, ер ҳайдаймиз. Тонг ёришганидан сигири борлар сигирларини бўлим идораси олдига олиб боришарди. У ердан плугларни судраб, далага жўнаймиз. Сигирлар оч, юрмайди, ўзимиз ҳам очмиз. Озиқ-овқат — анқонинг уруғи. Ҳамма ерда очарчилик, касаллик тарқалган. Бир куни қаттиқ шамоллаб, иситмам кўтарилиб, ишга чиқмай, уйда танча атрофида ётган эдим. Кимдир чақириб қолди. Ўрнимдан аранг туриб, деворни ушлаб кўчага чиқсам, немис коменданти билан полицай турибди. Мендан «Нега чиқмадинг?» деб сўрашди. Мен: «Касалман, иситмам бор», дедим. Комендант мени ёнига чақирди-да, қўлидаги резинка қамчиси билан елкамга шунақанги урдики, кўзимдан олов чиқиб кетди. Бошим айланиб, гандираклаб, уч-тўрт қадам ҳам юрмай, йиқилдим. Комендант «Арбайт! Арбайт!» деб бақирди. Қарасам, яна урадиган. Ўрнимдан зўрға туриб, бор кучимни йиғиб, иш жойига югурдим...

Шу воқеани эсласам, ҳали ҳам елкам зирқираб кетади.

Ҳозир нафақадаман. Оилам, тўрт ўғлим ва бир қизим бор. Соғлиғим яхши эмас. Ҳар йили даволаниб тураман...»

(Давоми бор)

Наим КАРИМОВ,
Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика комиссияси раиси

Ислом КАРИМОВ:

Истиқлол туфайли тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, қад ростлаётган янги-янги замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, кўприклар ва йўллар, бир сўз билан айтганда, иқтисодимизнинг тобора ўсиб мустаҳкам бўлаётганига, давлатимиз салоҳияти куч-қудрати юксалаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ишбилармон миллионерлар

Навоийдаги паррандачилик фабрикаси фаолияти тўхтатилган эди. Негаки, паррандалар ўлатга чалиниб, корхона бутунлай ёпиб қўйилганди. 1993 йил кузида корхона яна қайтадан «кўз очди». Айни пайтда Шукрулло Қосимов бошлиқ жамоада 750 киши ишлайди. Паррандалар сони 322 минг 400 тага етказилди. 1998 йил корхона бўйича 69 миллион сўм соф фойда олинди.

Хўш, қандай қилиб? Наҳотки, кеча ёпилган корхона бугун миллионер? Бунга сабаб паррандалар зотининг ўзгартирилиши бўлди. Яъни иқлим ва шароитга мос серпушт, сергўшт товуқлар боқилди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да! 1992-93 йилларда паррандаларнинг қирилиб кетишига сабаб ўзга, айниқса Европа мамлакатлари селекция -наслчилик ишларининг Ўзбекистонга кўр-кўрона олиб келинишидир. Буни корхона ишлаб чиқариш бўлимининг мудири, раис ўринбосари Мухтор Ҳамиятов ҳам тасдиқламоқда.

— Ҳозир корхонада жами 213 минг 300 бош тухум берадиган товуқлар бўлса уларнинг айтарли ҳаммаси ўзимизнинг маҳаллий шароитда ўз инкубаторимизда очирилган оқ ва оқ пушти ҳамда жигарранг товуқлардир. Уларнинг озиқланиши, парвариши, эмланиши қатъий назоратда бўлгани учун ҳам ишимиз баракали.

Ҳа, маҳаллий шароитдаги парранда кўпайсагина парҳез товуқ гўшти ҳам, тухум ишлаб чиқариш ҳам муттасил ортади. Мазкур йилда навоийлик паррандабоқарлар эл дастурхонига 36 миллион дона тухум, 320 тонна парҳез товуқ гўшти етказиб беришмоқчи. Ютуқларнинг ортиши, миллионерлик даражасига етишида корхонанинг «Сардоба–парранда» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши бўлди. Натижада алмисоқдан қолган эскича иш услубларига бутунлай барҳам берилди. Янги-янги тармоқлар, қатор ёрдамчи хўжаликлар, туркум турдош иш ўринлари яратилди. Корхонани боши берк кўчадан олиб чиққан бирдан-бир восита бу хориждан шерик излаш, чет эл сармоясига таяниш бўлди. Бу ўринда ишбилармон, уддабурон ташкилотчи Мухтор Ҳамиятов хизматини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

М. Ҳамиятов ташаббуси билан ўнга яқин у ёки бу тур маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхона ва цехлар қурилиб ишга туширилди. Бу голландияликлар технологияси асосидаги колбаса, хитойча услубдаги қанд-қурс, руслар тажрибасидаги оқ бўёқ ишлаб чиқариш цехларидир. Ҳиссадорлик жамиятида бир кеча-кундузда 1 тоннага яқин колбаса, 500 килограмм конфет, 72 соатда ярим тонна ўта замонавий бўёқ тайёрланмоқда. Шунингдек, сутни қайта ишлаб: сариёғ, пишлоқ, қаймоқ, қатиқ ишлаб чиқариш корхонаси, турли чанқовбосди ичимликлар ва шарбатлар тайёрлаш линияси, тўқиш ва тикиш цехлари, макарон ва музқаймоқ тайёрлаш тармоқлари ҳам кони фойда тармоқ ҳисобланмоқда. Энг характерли яна бир соҳа бу — қорамолчилик ва чўчқачиликнинг йўлга қўйилганидир. Айни пайтда бу ерда 93 та қорамол, юзга яқин чўчқа юксак зооветеринария қоидалари асосида боқилаяпти.

— Эндиги асосий вазифа Навоий тоғ металлургия комбинати кўмагида парранда чиқиндисидан гумус (маҳаллий ўғит тури) тайёрлайдиган завод қуришдан иборат, — дейди Мухтор Ҳамиятов. — Лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, зарур бўлган асбобускуналар деярли келтириб бўлинди. Шу йил охиригача завод ишга тушиши керак.

Қани энди мустақиллигимиз бугуни ва эртаси бўлган тадбиркорлар янада кўпайса.

Муаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кулгулари осмонни олган келажак!

Яшариш палласи

Мустақиллик берган неъматлар ҳақида шавқ-завқ билан кўп гапириш мумкин. Аммо одам ўзи ҳис этган, ҳар кун кўриб-билиб турган янгиликларни бошқача бир туйғу билан қалбингдан ўтказасан. Биз кўчиб келган юқори қаватли бино ёнида мустақилликдан олдин чуқур ҳандақ, ташландиқ жойлар бор эди. Хонадонлар чиқиндиларни ташлайвериб кўримсиз бу жой қачон обод бўларкин, деб ўн йилдан ортиқ кутишди.

Мустақиллик шарофати билан ҳозир бу жойларни кўрсангиз, танимай қоласиз! Банклараро молиявий хизматлар марказининг баланд иншооти Тошкентнинг Халқлар дўстлиги шоҳкўчасига бошқача бир кўрк бериб турибди. Бугина эмас, қанчадан-қанча янги майдонлар, сув ҳавзалари, хиёбон ва боғлар фақат мустақиллигимизнинг саккиз йилга яқин даврида бунёд этилгани-чи!

Миллий ғурур, Ватан билан фахрланиш, юртпарварлик ҳақида бир олам севинч билан, дил-дилдан гапирамиз. Биз, пенсионерлар ҳар кун, ҳар соат давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳис этиб турибмиз. Мустақиллигимиз саккиз ёшга энди тўляпти, ҳали унинг неъматлари ва чиройи йиллар ўтиб янада гуркирашига шак-шубҳамиз йўқ.

Шарофат ТОШХЎЖАЕВА,
пенсионер

Маънавият боғи

Орзиқиб узоқ кутилган дамлар етиб келди. Билмаганлар учун бу қувонч гўё осмондан тушгандек бўлди. Маънавият йўлларини тўсиб ётган улкан тўсиқлар Мустақиллигимиз шарофати туфайли ўрнидан оғир қўзғалди ва парчалана бошлади... Маънавиятнинг илиқ, ёқимли шабадаси Бўстонлиққа ҳам етиб келди. Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий таваллудининг юз йиллиги не-не машаққатлар билан 1985 йилнинг қаҳратрн қиш кунларидан бирида хўжаликнинг тор ва совуқ биноси залида ўтказилиши маънавиятнинг илк чечакларидан бири бўлган эди. Маънавиятнинг бу бойчечаги йўлдаги зулмат тўсиғига зарба бериб, дарз кетказганлиги аниқ. Тасодифий бир мўъжизадек юз берган ўша кичкинагина йиғинда вилоят уёқда турсин, туманнинг асосий раҳбарларидан бирон киши қатнашмаса-да, ўзбек зиёлиларининг таниқли вакилларидан бўлмиш Ғулом Каримов, Озод Шарофуддинов, Бегали Қосимов, Тоҳир Малик, Сидқийнинг севимли шогирди Абдулла ота Носиров каби инсонлар бажонидил иштирок этган ва бош-қош бўлган эдилар. Шу воқеадан ўн йил ўтгач эса Сидқий Хандақлиқий таваллудининг 110 йиллиги ҳароратли ёз кунларининг бирида эмин-эркин ўтказилди ва шоир номига кўркам боғ ташкил этилди. Бу қувончли ҳол мустақиллигимиз туфайли маънавиятимиз тобора чуқурроқ илдиз отаётганидан далолат эди. Худди шу муносабат билан шоир Элбек номи ҳам юзага чиқди. Унинг таваллудига 95 йил тўлиши муносабати билан шоир туғилиб ўсган Хумсон қишлоғида серфайз йиғин бўлиб ўтган эди...

Лекин, барибир, собиқ шўролар даврининг чиркин оқаваси ҳамон оқиб турар, маънавият йўлларини улкан тоғ бўлмаса-да, қандайдир хас-чўплар тўсиб ётар эди. Мана бир мисол: Сидқий Хандақлиқий таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан шоир китобларини нашр эттириш мақсадида кўмак сўраб Тошкент вилояти ҳокимиятига қайта-қайта мурожаат қилган эдим. Афсус, китоб чоп эттиришга ёрдам кўрсатиш уёқда турсин, ҳатто қабул ҳам қилмай: «Бизга ҳозир пахтадан бўлак ҳеч нарса керакмас», деган кўрс жавобни олганман. Оқибатда шоирнинг биронта ҳам китоби таваллудининг 110 йиллиги нишонланаётганда ўқувчилар қўлига етиб бормади. Шоир номига ташкил этилган боғ бағрида қуриб битказилиши керак бўлган уй-музей ҳам аросатда қолдириб юборилди...

Оллоҳга шукрлар бўлсин, йиллар ўтиб маънавият йўлида қолган-кутган хас-чўпларни ҳам Мустақиллигимизнинг тобора кучайиб бораётган тошқинлари чекка-чеккага суриб ташлади. Бунинг самараси ўлароқ Элбек таваллудининг юз йиллиги рисоладагидай тўкис ва кўркам нишонланди. Катта бу тадбирнинг ғоят юқори савияда ташкил этилиши жараёнида Тошкент вилоятининг ҳозирги раҳбарлари жуда фаол иштирок этдилар. Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги раҳбарлари ҳам бу тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун йил давомида тиним билмай ишладилар. Бундай елиб-югуришлар натижасида Элбек таваллудининг юз йиллигида шоирнинг бир эмас, иккита китоби чоп этилди. Бўстонлиқ тумани маркази бўлмиш Ғазалкент шаҳрининг энг кўркам жойида шоир ҳайкали ҳам қад кўтарди. Бу ҳаммамиз учун жуда қувончли бир воқеадир. Демак, маънавият равнақини мудом таъминлайверадиган соғлом ва ҳур фикрли раҳбарият энди тўла-тўкис шаклланиб бўлди, дея рўй-рост айта оламиз. Демак, энди Ўзбекистонимизнинг кўп жойларидаги сингари Бўстонлиқ туманида ҳам маънавият боғи янада гуллаб-яшнайди. Зеро, Сидқий Хандақлиқийнинг ўз ўқувчиларини кутиб ётган қатор-қатор китобларини чоп эттириш, чала қолдириб юборилган уй-музей қурилишини охирига етказиш каби хайрли ишлар яқин келажакда ўз ижросини топади, деган умиддамиз.

Асад АСИЛ

«Газни ёқасизу пулини тўламайсизми?»

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ватанимиз хусн-жамоли йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Қишлоқ ва шаҳарларда йўллар, кўприклар қурилмоқда, мактаблар таъмирланмоқда, турар жой бинолари, турли иншоотлар бунёд қилинмоқда. Шу жиҳатлар билан мамлакатимиз ҳамдўстлик давлатлари орасида ажралиб туради, десак сира хато қилмаймиз. Ҳолбуки, мен қўшни юртдаги шундоқ шаҳарларни биламанки, уларда қурилиш кранлари сўнгги йиллар давомида, бирон марта бўлсин, жойидан силжиб, у ердаги юкни бу ерга олиб қўймаган.

Шуни ифтихор билан айта оламизки, халқимиз турмушини фаровонлаштириш ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат марказида турибди. Яқинда эълон қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қайта ўқиб чиқдим ва бу туйғуни яна бир карра дилимдан ўтказдим.

Хусусан, аҳолини газ билан таъминлаш масаласи мамлакатимизда ҳамиша долзарб масала бўлиб турибди. Мен аваллари газлаштириш соҳасидаги муаммолардан йироқ бир одам бўлсам-да, лекин газнинг улкан миллий бойлигимиз эканлигини ва бу бойлик шўролар даврида ҳад-ҳисобсиз даражада таланганлигини яхши билардим.

Жумладан, зангори оловимиз Россиянинг юраги бўлган Уралга етиб борганлиги тантана қилинган даврларни яхши эслайман. Ўша пайтларда бу воқеага бағишлаб Абдулла ака истеҳзою қочиримларга тўла «Совга» номли шеърини ёзганди. Унда сен сари кетаётган совга-салом ва мевачева ортилган карвонларимизни ҳатто Макка ҳам кўрмаган эди, энди мана оловимизни ҳам бермоқдамиз, деган маънодаги мустабид тузум пойтахти Москвага қаратилган иддаоли сатрлар бор эди.

Хўш, аллақачон ўзимизникига айланган ана шу миллий бойлигимизга энди қандоқ муносабатда бўлмоқдамиз? Уни тежаб-тергашни, ундан оқилона фойдаланишни ўргандикми? Халқимизда унга нисбатан чинакам эгалик ҳисси шаклландими? Бу ҳақда бирор нарса дея олмайман. Лекин нима учундир, бу бойлигимиз ҳақида гап кетганда миямда даставвал «ахир, унинг ҳам ҳисоб-китоби бордир, нега бунча исроф қиламиз?» деган фикр йилт этиб ўтади.

Бугунги кунда республикамизда 3 ярим миллионга яқин хонадон газ билан таъминланган. Агар биз буни 1991 йил ҳолати билан солиштирадиган бўлсак, мамлакатимиз бўйлаб газлаштириш ишлари жадал суръатлар билан бораётганлигини, яъни аҳолига газ етказиб бериш уч мартага яқин ортганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, 3078 та саноат корхонаси, 32198 та коммунал хўжалик ташкилоти табиий газдан фойдаланмоқда. Умумлаштириб ҳисоблаганда республиканинг бир йиллик газ сарфи 38 миллиард кубдан зиёддир.

Демак, мамлакатимизда газ соҳасида истеъмолчилар йил сайин ортмоқда. Лекин уларнинг бу миллий бойликка нисбатан муносабатлари-чи? Ҳеч ўзгардимикан? Истеъмолчилар шуурида масъулият туйғуси, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, туб маънодаги қарздорлик ҳисси озгина бўлса-да ортдимикан?

Яна рақамларга мурожаат қилайлик. Республикамизда истеъмолчиларнинг умумий ҳисобдаги қарзи 38 миллиард 295 миллион сўмни ташкил этади. Бунинг ичидаги 6 ярим миллиард сўм фуқаролар томонидан тўланмаган қарздир. Хўш, бу рақамлар нимани кўрсатади? Истеъмолчилар онгида бирон-бир ўзгариш ясаш ҳали кўп тер тўкишни тақозо этадиган машаққатли иш эканлигини далилламайдими бу?

Мамлакатимизнинг газ соҳасидаги аҳволини Тошкент вилояти тимсолида яққол кўриш мумкин. Вилоятда бугунги кунда 436762 хонадон газлаштирилган бўлиб, уларнинг 346762 тасига табиий газ қувурлари етиб борган. Шунингдек, вилоятда 5713 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва 405 та саноат корхонаси газ билан ишлайди.

Табиий газ ҳозирги вақтда энг қулай ва арзон ёқилғи саналади. Яъни «Вилоятгаз» «Ўзтрансгаз»дан ҳар минг м³ газни 3060 сўмдан сотиб олиб, ўртача икки ярим баравар арзон нархда аҳолига тарқатади. Бу, албатта, аҳоли учун катта имтиёз ва ғамхўрликдир. Лекин фуқароларнинг барчаси буни англаб етяптими? Афсуски, бундоқ деб бўлмайди. Ҳолбуки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги «Аҳолининг уй-жой коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш ишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 462-қарорида фуқаролар томонидан тўланмаган қарзлар 2000 йил 1 январга қадар ундириб олинмоғи борасида алоҳида сўз юритилган.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда газ соҳасидаги энг чирсиллаб турган муаммо истеъмолчилардан уларнинг гарданларидаги қарзларни ундириб олиш муаммоси бўлиб турибди.

— Қарор ижроси йўлида маҳаллаларда қизғин иш олиб бормоқдамиз, — дея Қибрай туманидаги аҳволни тушунтиради туман газ идораси бошлиғи Абдумурод Жўраев. — Ҳозирги қийин шароитда аҳолидан йилдан-йилга чўзилиб келаётган қарзларни ундириб олиш осон эмас. Биз бу борада асосан маҳалла қўмиталарига таянмоқдамиз. Бир мисолни айтиб берай. Бир хонадондан қарзини сира ундира олмай юрардик. Кўп марта қатнагандан сўнг маҳалла қўмитаси раисига мурожаат қилдим. Маҳалла оқсоқоли менинг олдимда хонадон эгасига жиддий танбеҳ берди, ориятига тегадиган гаплар қилди. Икки кундан сўнг у ҳамма қарзларини келтириб тўлади. Қийналаётган оилалар аҳволини яхши тушунамиз. Лекин ўзига тўқ, моддий жиҳатдан бақувват хонадонлар-чи? Қават-қават уйлар тиклашиб, парник ва теплицалардан мўмай даромад топиб туришган бир пайтда уларнинг пул йўқ деб важ қилишлари кишини ниҳоятда ажаблантиради.

Мен газга ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳақида қизиққанимда «Чинозгаз» идораси бошлиғи Нусратулла Исматуллаев шундай деди:

— Тўғри ҳисоблагични ўрнатиш бугунги кунда хонадонлар учун анча қиммат туюлиши мумкин. Лекин, бунинг қулай томонлари бор. Биринчидан, бу одамларни газни тежашга ўргатади. Бир дўстимни биламан, ўтган йили ҳисоблагич ўрнатганди. Ҳар йили газга 12 минг сўмдан тўлардим, энди 6 минг сўмдан тўлаяпман, дейди. Иккинчидан, ҳисоблагич ёнғин ҳодисаларининг ҳам олдини олади. Бир хонадон эгаси газдан фойдаланилмаган пайтларда ҳам ҳисоблагич ишлаб ётганлигидан шикоят қилиб келди. Техник ходимларимиз текшириб кўришиб, уй ичидаги қувурда ишкаллик борлигини аниқлашди. Агар бу қусур ўз вақтида аниқланмаганда, бахтсиз ҳодиса рўй бериши ҳеч гап эмасди.

Аҳолига газ ҳисоблагичлар етказиб бериш масаласи эса республикада муаммо экан. Биринчидан — унинг сифати масаласи, иккинчидан — нархнавоси.

«Тошвилоятгаз» раиси ўринбосари Мухтор Мирзамаҳмудов, биз ҳам бу муаммо устида жиддий бош қотирямиз. Голландиядаги «Инструмент» фирмасига тегишли газ ҳисоблагичларни ўзимизда ишлаб чиқаришни мўлжаллаб, бу борада ўзаро шартномалар устида ишламоқдамиз. Агар шартнома тасдиқланиб, ундаги ниятлар амалга ошса, Янгийўл шаҳрида қурилажак бу завод шу йилнинг охирида маҳсулотларини чиқариши ҳам мумкин, дея бу масалага аниқлик киритди. Зеро, мақола бошида эслатилган қарорда ҳам бундай ташаббусларга кенг йўл очилган ва унда «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги инвестициялар ва гарантларни, шунингдек, қишлоқда сув ва газ таъминотини ривожлантириш учун имтиёзли шартларда кредитларни жалб қилиш бўйича халқаро молия ташкилотлари ҳамда бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар» дея алоҳида уқтирилган.

«Тошвилоятгаз»даги энг долзарб муаммолардан яна бири — саноат корхоналари, турли идоралар ва муассасаларнинг ҳам фойдаланилган газ ҳақларини ўз вақтида тўламаётганликлари кишини беихтиёр ўйлантириб қўяди. Қарздорлар рўйхати билан танишар эканмиз, қарзларнинг нафақат миллионлар, ҳатто миллиардлар миқдорида эканлигига шоҳид бўлдим. Сўнгги ҳисоботларга кўра, «Ўзмевасабзавот» ишлаб чиқариш тармоқларининг «Тошвилоятгаз»дан қарзи 41 миллион 570 минг сўмни, «Ўзбеккимёсаноат» концерни тармоқлари 2 миллиард 46 миллион сўмни ташкил қилса, Энергетика вазирлиги қарзи 6 миллиард 444 миллион сўмни ташкил этади.

Муаммонинг ечилиши ўрнига, тобора мураккаблашиб бораётганлиги, яъни қарзларнинг ойдан-ойга ўсиб бораётганлиги одамни янада ташвишлантиради. Бозор иқтисодиётининг энг оддий ақидаси «олдингми, пулини тўла»дан иборат. Буни ёш ҳам, қари ҳам билади. Зеро, ҳеч ким бозорга бориб ёки дўконга кириб, насияга нарса сўрамайди. Чунки буни ўзига ор деб ўйлайди. Сўраганини бошқалар билиб қолса, ажабланишларини ҳис этиб, гап-сўз бўлишидан қўрқади, ҳеч бўлмаса уялади. Аммо мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим нуқталарини эгаллаб турган раҳбарлар, масъул ходимлар-чи? Улар ўзлари бошқараётган корхоналарнинг, жамоаларнинг қарзга ботиб бораётганлигидан сира қўрқмайдиларми? Ёки улар ҳижолат чекишу уялиш туйғуларини ҳам аллақачон эсдан чиқариб юборганларми?

Жамиятдаги эврилиш, айниқса унинг иқтисодиётидаги бурилиш ҳодисаси бир зумда бўладиган иш эмас. Аввало бу жараён халқнинг онгида бошланмоғи керак. Ана шундагина бу ўзгариш ҳаётда муваффақиятли кечади ва тез юзага чиқади.

Мен бир куни дала ҳовлимизга чиққаним эсимда. Иш билан андармон бўлиб, бир пайт чой ташвишига тушдим. Далабоғимизга ҳали электр симлари етиб келмаган, газ қувурларини орзу ҳам қилиб бўлмасди. Атрофдан чўп-чор териб келиб, тўртта ғиштдан ўчоқ ясадим ва устига чойидишни қўйдим-да, тагидан олов ёқишга тутиндим. Ўтни аланга олиши осон бўлмади. Терлаб-пишган кўйи ҳадеб оловни пуфларканман, шу дақиқада шаҳардаги хонадонимдаги газплитаси кўз олдимга келиб, у худди ноёб мўъжизадай туюлиб кетди. Ҳақиқатан ҳам мўъжиза-ку бу, шундай эмасми? Гугуртни ёқишинг билан лов этиб ёнса-ю, саранжом-сариштa хонангда истаган нарсанг ўзўзидан қайнаб-пишиб турса! Қизиғи шундаки, мен бу мўъжиза билан ҳар куни ёнма-ён яшаб, унинг мўъжиза эканлигини бирор марта ҳам пайқамаган эканман. Қўлларим қоракуя бўлиб, чойидиш тагини пуфлаганимдагина унинг хонадонимизга роҳат-фароғат бағишлаб турган нарса эканлигини кашф этдим. Лекин, яна бир қизиғи, ҳар куни тонгдаю кечқурун газ плитасига яқинлашаётганимизда, бирор марта бўлсин, дунёда тутундан ўқчиб, ўчоқ пуфлайдиганлар борлигини хаёлга келтирмаймиз. Нима ҳам дердик, инсон шунақа яратилган: ўзи фаровонликка эришгач, бошқа қийналиб яшаётганларни дарҳол унутади. Буни тушуниш мумкин, кечириш ҳам мумкин. Аммоки фуқаро давлат томонидан, жамият томонидан унинг учун яратилган қулайликларни менсимай бошласа-чи? Миллатнинг бойлигини тежаб-тергаш ўрнига, кўр-кўрона исроф қила бошласа-чи? Бу иш худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмайди. Зеро, ҳадислардан бирида дарёнинг ёқасида ўтирсангиз ҳам сувни исроф қилманг, дейилган. Қишлоқ жойларда гугурт чўпини тежаш учун газ плитасини кун бўйи ўчиришмас экан. Шаҳарда-чи? Айниқса, қиш кунларида газнинг тўртта пилигини ҳам ёқиб қўймаймизми?

Ёнингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деган гап бор халқимизда. Биз учун газ бугунги кунда унчалик қадрли туюлмаслиги мумкин. Чунки у ариқдаги сувдек оқиб турибдида. Лекин унинг қадри жуда ўтаётган юртларни биламан. Бир дўстим бу йил баҳорда туғилган юртига — Қирғизистонга бориб келди. Хуноб бўлиб қайтди, газ бормай қўйганлигидан отасидан қолган боғни одамлар ўтин қилиб ёқиб юборишибди.

Мен муҳтарам юртбошимизнинг ўз чиқишларидан бирида «чекка қишлоқларда яшайдиган одамлар ҳаётини кўп қузатганман. Айниқса, у ерда аёлларга қийин. Улар кун бўйи далада меҳнат қилиб келиб, кечқурун ўчоққа ёки тандирга ўт ёқиш тараддудига тушадилар. Агар уларга газ етказиб берсак, турмушларини қанчалик фаровон қилишимизни тасаввур этасизларми?» деганларида Президентимизнинг оддий халққа бўлган жуда катта ғамхўрликларини пайқаганман.

Мақола бошида тилга олинган қарорда 2005 йилда республика аҳолисининг 82 фоизи табиий газ билан таъминлансин дея алоҳида кўрсатилган. Халқ фаровонлиги йўлидаги бу мақсад миқёсини тасаввур қилиш учун тараққий этган Ғарбдаги айрим мамлакатларнинг ҳали тўлиқ газлаштирилмаганлигини, хусусан, улкан Истанбул шаҳрида қишда кўпчилик уйларнинг ўтин билан иситилишини, бу фаслда шаҳар устида тутунлар пайдо бўлишини эсга олиш кифоя.

Бу ҳолатни Тошкент осмонида тасаввур қилиб кўрайлик-чи? Экологияга тузатиб бўлмас даражада зиён етмасмиди? Агар қишлоқларимизга газ таъминоти ўз вақтида етиб бормаса-чи? Қирғизистон овулидагига ўхшаб, довдарахтларга қирон келмайдими?

Демак, миллий бойлигимиз бўлган газ халқимизнинг фаровон турмуши омилигина эмас, ҳозирги кунда яшнаб турган боғ-роғларимиз кафолати ҳамдир. Шу боисдан энди бу бойлик ўзимизнинг эканлигини англаб етишимиз, унинг қимматини ҳис этган ҳолда тежашга ўрганишимиз зарур.

Мамлакатимизнинг йироқ дашту саҳролари бағридан отилиб чиққан зангори олов саришта хонадонларда оилалар ризқини қайнатар экан ёки мамлакатимизнинг йирик саноат ўчоқларида гуруллаб ёниб иқтисодиётимизга тафт бағишлар экан, унинг бу манзилларга ўзўзидан етиб келмаганлигини, бунинг учун кимлардир тер тўкиб меҳнат қилганлигини бот-бот эслаб ҳам туришни одат қилишимиз керак. Бу жуда оғир меҳнат олдидаги бурчни ҳис этмаслик, унинг ҳақини вақтида тўлаб қўймаслик нафақат нотантилик, бугунги ҳисоб-китоб замонида гуноҳ ҳамдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳеч кимнинг хонадонидан файз кетмасин, яъни зангори олов сўнмасин, деймиз.

Мирпўлат МИРЗО

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Самолёт қидирилмоқда

АҚШ қирғоқ қўриқчилари мана икки кеча-кундузки собиқ президент Кеннединнинг ўғли Жон Кеннеди, унинг хотини ва қайни синглиси тушган самолётни қидиришмоқда. Қутқарувчилар уларни тирик топа олишларига ишонмаяптилар. Улар бу хабарни Кеннедилар оиласига етказишди. Халокат юз берган жойни аниқлаш учун ахборотлар етарли эмас. Самолёт бўлаклари билан бирга юкларнинг бир қисми Марта Вайнярд оролига тушган. Бу ерда собиқ сенатор Роберт Кеннеди қизининг тўйи бўлиши керак эди. АҚШ Президенти Клинтон эса америкаликларни бутун миллатнинг ифтихори ва мухаббатига сазовор бўлган оилани дуо қилишга чақирди.

Энг қулай вақт

Биласизми?

Туғилиш. Дунё акушерларининг тасдиқлашларича, чақалоқларнинг кўпчилиги тунги 12 дан 4 гача бўлган вақтда туғиларкан.

Қон босими. Тунги соат 4 билан 5 оралиғида киши қон томирларида энг паст босим бўлади. Шунинг учун ҳам бу вақтда уйқудан уйғониш жуда қийин кечади.

Хирс. Қонда жинсий гормонлар асосан эрталабки соат 8 лар атрофида кўпаяркан. Шу важдан ишқий лаззатнинг эрталабкиси киши руҳиятига енгиллик ва кўтаринкилик бахш этади.

Ювиниш. Эрталабки 8 да совуқ сувга чўмилиш жуда фойдалидир. Чунки шу пайтда организмда ҳимоя кучлари фаоллашган бўлади.

Овқатланиш. Эрталабки 8 даги нонушта қоматингизга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди, негаки, бу пайтда углеводлар ёғга эмас, балки энергияга айланади. Лекин кечқурунги 8 да тановул қилинган овқат эса «фигурангизни бузиши» мумкин, чунки у жисмингизда ёғга айланади.

Даволаниш. Тиббий муолажалар учун, яъни укол ва дори-дармон қабул қилиш учун энг яхши вақт эрталабки 9 лар оралиғидир. Бу пайтда тери ўта сезгир бўлади. Бироқ агар эҳтиёж сезилса, тиш дўхтирига яхшиси тушдан кейин учрашганингиз маъқул. Негаки, шу пайтда бормашина оғриқларига организм кўпам «жиззакилик» қилавермайди.

Ижод учун қулай вақт эрталабки соат 10 ва туш пайти. Сабаб: мия тиниқ ва фаоллашган бўлади.

Жисмоний меҳнат учун эса маъқул соат 13 дир. Чунки шу пайтда мускулларнинг таранглиги ва қувватлилиги ортади.

Хазм. Соат 13 да ошқозон энг кўп суюқлик ишлаб чиқаради, ҳатто бу пайтда овқатланмасангиз ҳам.

Уйқу. Америкалик мутахассисларнинг айтишларича, энг ширин уйқу кундузги 14 дагисидир. Бу пайтдаги уйқу организмга тунги уйқудан кўра кўпроқ хуш ёқади.

Соч ва тирноқлар. Соат 16 ва 18 лар атрофида соч ва тирноқларнинг ўсиши тезлашади.

Иштаҳа ва мусиқа. Соат 17 да организм учун энг «буюк» иштаҳа қўзғалса, 19 да эса мусиқа тинглаш учун энг кўтаринки руҳ пайдо бўлади.

Ичкилик. Жигар ўз фаолияти давомида соат 18 ва 20 лар оралиғида спиртли ичимликлар кучини осон «кесади», аммо тун ярмидан кейин ичилган ичкилик эса организмни «кўтариб» ташлайди.

Чой. Соат 18 дан 20 гача бўлган вақт оралиғида ичилган чой организмга жуда яхши сингади.

Суртмалар. Юзга суртма суриш учун энг қулай вақт бу 18 билан 20 лар оралиғидир. Чунки айнан шу пайтда тери суртмалар учун ўта сезгир бўлади.

Мулоқот. Дўстона мулоқот учун яхшиси соат 18 ва 20 оралиғидир. Одамзотда негадир шу пайт ўзини ёлғиздек ҳис этиш руҳияти пайдо бўлади.

Юқумли касаллик ҳуружи

Ростов вилоятида номаълум вирус инфекцияси тарқалди. Айни пайтда 54 киши оғир аҳволда касалхонада ётибди. Уларнинг ярмидан кўпи болалар. Касалликнинг тарқалиш жойи Обливская станицаси. Номаълум вирус Обливская станицаси ҳаётини издан чиқарди. Маълумотларга кўра, ҳозиргача беш киши вафот этган. Уларнинг уч нафари болалар. Шифокорлар одамларни қутқариш учун барча чораларни кўрмоқда.

Болаларни сотмоқчи бўлишди

Сотиш учун тайёрлаб қўйилган 9 дан 14 ёшгача бўлган 33 бола Нигериянинг Аква Ибом штати полицияси томонидан двигатели бузилгани муносабати билан тўхтаб қолган катердан топиб олинди. Полиция хабарига кўра, кема эгаси бўлмиш нигерияликлар болаларни Ғабондаги ота-оналарига олиб боряпмиз дейишди. Лекин буни болалар тасдиқлашмади. Бу болаларнинг 23 нафари Нигериядан, қолганлари Того ва Бениндан экан. Бундай ҳол биринчи марта бўлаётгани йўқ. Болаларни сотиш Ғарбий Африкада кенг тарқалган бизнес турларидан биридир. Бу иш айниқса Аква Ибом штати қирғоқларида «гуллаб яшнамоқда». Ана шу қирғоқлардан болалар Ер юзининг турли қитъаларидаги бой буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ўз навбатида бойлар энг оғир ишларда болалардан фойдаланадилар.

Олий даражадаги фирибгарлик

Норвегияда хорижлик муҳожирларга паспорт, виза ҳамда яшаш учун рухсатномаларни сотиш билан боғлиқ олий даражадаги фирибгарлик авж олиб кетди. Тасдиқлашларича, Норвегиянинг давлат хизматчилари, шунингдек, Норвегиянинг хориждаги элчихоналари хизматчилари қарийб ўн йилдан буён ҳужжатлар учун мўмай даромад олмоқда. Ҳукумат раҳбарлари эса бунга панжа орасидан қарамоқдалар. Би-Би-Си мухбирининг Ослодан хабар беришича, ҳужжатларни сотиш билан боғлиқ суд жараёнлари тўхтатиб қўйилган. Аслида Норвегия қочоқларни унчалик қувонч билан кутиб олмаган ва истаганларга сиёсий бошпана ҳам бермаган.



Германия. Қуйи Саксония манзараси.

«Ёз» ўйланмаси

Азиз газетхонлар! Изоҳлари баён этилган қуйидаги сўзларни топиб шаклда белгиланган хонадон соат миллари йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Пойтахтимиз вилоятининг сўлим тоғлик масканида жойлашган шифобахш оромгоҳ. (2). 2. Ҳосили йирик ва хуштаъм ёз пишар полиз экини. (4). 3. Фарғона вилоятидаги денгиз сатҳидан етти юз метр баландликдаги табиий манбалар билан даволаш муассасаси жойлашган маскан. (4) 4. Ер қаъридан табиий ҳолда чиқувчи оби ҳаёт манбаи.(3). 5. Шапалоқ баргли, гулламасдан ҳосил тугадиган сутсимон ширадор ҳўл мева. (2). 6. Қафасда ҳам урчийдиган, каптарлар туркумига мансуб сайроқи парранда. (2). 7. Ҳосили ўрам ҳолида етиладиган полиз экини. (3). 8. Экинзорга сув тақсимлаш билан шуғулланувчи киши. (2). 9. Дарё, сув йўллари ва ҳавзалари тошқинига қарши тўсиқ. (1). 10. Сувда сузишга мослашган яполоқ тумшуқли қуш. (4). 11. Ёз фаслида кўп истеъмол қилинадиган таом. (4). 12. Тошкентнинг жанубий-шарқий қисмидаги, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида жойлашган кўл, оромгоҳ. (2). 13. Тоғ ёки тепаликнинг ўтиш қулай жойи. (1). 14. Нордон, тўқ қизил рангда етиладиган шифобахш ҳўл мева. (4). 15. Танаси бинокорликда ишлатиладиган баланд ўсувчи дарахт. (3). 16 Кучли шамол,гармсел таъсиридан сақланиш учун ҳосил қилинадиган яшил тўсиқ. (1).

Энди ўйланмани тўғри ҳал этган бўлсангиз сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги тартибда берилган ҳарфларни аниқланг. Уларни кетма-кет ўқиш билан ҳикматли сўзни билиб оласиз.

Муаммонома

Аввал қуйида рақамлар билан ифодаланиб, таърифланган очқич сўзларни ечинг. 1. Ёз фаслининг энг иссиқ даври — 19,3,9,3,10,18,3. 2. Қуёш ботиш пайти — 18, 13,5,18,7. 3. Серсоя дарахтнинг хоразмча атамаси — 23,8,12,8,7. 4. Инсоннинг яқинларига умуман ўзгаларга бўлган самимий муҳаббати — 7,1,22,9. 5. Болаларнинг бирор нарсани сувга оқизиб ўйнайдиган ёзги ўйини — 18, 13,4,21,18,13. 6. Чанқовбосди ичимлик — 3,15,9,18,2. 7. Мақолдан: «Лайлак келди — 20, 21. бўлди». 8. Овланадиган сайроқи қуш — 11,1,6, 3, 2, 3. 9. Қуёш нури тушмайдиган салқин жой — 19,18,14. 10. Ўртапишар узум нави — 17, 3,9,18,19. 11. Ўрилган беда, пичан уюми — 16, 3,9,3,7.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Уни соат миллари йўналишида ўқиш билан ҳикматли сўзларни билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



«Дунё шаҳарлари» ўйланмасининг жавоблари:

1. Норак 2. Когон 3.Никосия 4. Янгийўл 5. Лион 6. Нюрнберг 7. Гаага. 8. Абиджан 9. Нойроби 10. Истанбул 11. Лоҳур 12. Работ 13. Токио 14. Оллоҳобод 15. Денов 16. Варна 17. Агра 18. Адлер 19. Рига 20. Асака 21. Ангрен 22. Наманган 23 Наҳшаб 24. Богота 25. Анабар 26. Рим 27. Макка 28. Асвон 29. Нагпур 30. Рустави 31.Иркутск 32. Китоб 33. Банорас 34. Сочи 35. Инсбурк 36. Кейптаун 37. Нант 38. Тафт 39. Танбов 40. Вашингтон.

Муаммонома

Шакл атрофидаги ҳарифларда: Тошкент

Миллий уйғонган халқ бунёдкордир

«Мулоқот»нинг яқинда чоп этилган 4-сони юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликларга, ҳукуматимиз олиб бораётган адолатли сиёсатга, ҳалоллик ва фидойиликка бағишланди. Ҳали бўёғи қуриб улгурмаган бу сонда мухбиримизнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан суҳбати босилган «Мустақил Ўзбекистон демократик, адолатли, барқарор давлатни қуришдек олижаноб мўлжал томон дадил одимламоқда. Мўлжалга тезроқ етишга қаратилган ислоҳотларга камарбастамиз», дейди биринчи котиб.

Ҳар бир инсон нафақат отаонасининг, балки ўз даврининг ҳам фарзандидир. Кимки бугун ўз даври ҳақида адолат билан гапирмас экан, эртага унга нисбатан тарих ҳам ўз ҳукмини чиқаради. Муаллиф Ҳамро Эрматов: «Тарихни халқ, унинг зиёлилар қисми» яратишини таъкидласа, Абдулла Насриддинов «фалсафий мерос ҳам халқ маънавиятининг ажралмас ва асосий қисми» дея журналхонларни мунозарага чорлайди. Таниқли олим Ашраф Аҳмедов эса: «юртбошимиз айтганларидек, «Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват». — Шунинг учун ҳам узоқ мустамлака йилларида маданиятимиз ва санъатимизга муҳаббатимизни, миллийлигимизни йўқотмадик», дейди ички бир ғурур билан.

Миллийликдан айрилган миллат тараққиётдан ҳам маҳрумдир. Унинг равнақи эса ўзлигини англашдан бошланади. Бундан буён фақат демократияга асосланган адолатли бошқарувгина халқларни чинакам бахтга элтади. Жамиятда ҳалоллик ва фидойилик, ҳақгўйлик ва одиллик сингари олижаноб инсоний фазилатлар ҳукм сурмас экан, нопоклик,алдамчилик йўли билан бойлик орттириш, балойи нафсга гирифтор бўлиш каби нуқсонлардан фориғ бўла олмайди. Янги сонда муаллиф Бахтиёр Суннатов: «Ростгўйлик лаззатини тотмаган ёки лаззатини билса ҳам тотишни истамаган киши уни севмайди», — деб ёзса, Муҳиддин Турсунов ҳалоллик билан фидойиликни эгизакларга ўхшатади. «Ҳалол бўлмаган киши фидойи ҳам бўлмайди», — деган фикрни жамоатчилик ҳукмига ташлайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Рашид Раупов дину диёнат ва ҳалоллик ҳақида ёзар экан: «Оқил инсон қанча савоб қилганини, кимнинг корига яраганини, кимнинг кўнглига соя ташлаганини ҳар кун ўзича сарҳисоб қилади», — дейди.

Ўзбекистонда одамларнинг оиладан кейинги бирлиги маҳалладир. Ҳали дунёнинг бошқа бирор мамлакатида биздагидай такомиллашган бундай ўзига хос сабоқгўшаси йўқ. Бизнинг мамлакатда эса ҳатто, бошқарувнинг ҳам энг қадимий, энг одил ва энг демократик усули ана шу осойишталик қўрғонида амалга оширилади. Ахрор Ҳасанов шу мавзуга қўл уриб: «Каттанинг кичикка меҳри-оқибати, кичикнинг каттага ҳурмати, мулкдорнинг муҳтожга муруввати, кучлининг ожизга ҳиммати, аввало, маҳаллада шаклланади», — деб ўз сўзларини мисоллар билан асослайди.

Файласуф олим Анвар Чориев инсоннинг маънавий қиёфасига чизгилар қилар экан: «Жамият учун энг хавфли шахс ўз дардини ичига ютиб, қўрқув билан яшаётган кишидир», — деган фикрга келади. Ҳар қандай жамиятнинг ўзгариши ўз-ўзидан инсонни ҳам ўзгартиради. Бу ўзгаришлар ичида бўлмаган одам жамиятнинг шу бугунги ҳолатини ҳам ҳис эта олмайди. Ҳар қандай инсон тана ва руҳ бирлигидан ташкил топган. Худди тана катталашгани сингари, руҳ ҳам комилликка интилади. Ҳеч шубҳасиз, тана озиғи нозне-ъматлар бўлса, руҳ озиғи эса тарбиядир. Бу ҳақда Тўланбой Ортиқовнинг «Руҳ тарбияси» ва Бахти Очилованинг «Руҳнинг уйғониш фасли» мақолаларини ўқиб яна ҳам тўлароқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, Ғафуржон Маҳмудовнинг «Миллий мустақиллик йўлларида» ва журналист Нормўмин Очиловнинг «Дарғом», Боқижон Тўқлиевнинг «Маърифат булоғи» мақолалари ота-боболар меросига меҳр-муҳаббат уйғотиб қолмай, балки истиқлолга ишонч ҳиссини яна ҳам орттиради.

Кейинги пайтда таҳририятимизга келаётган хатлар оқими кучайди. Уларда хилма-хил мавзу ва муаммолар кўтарилган. Янги сонда ҳам юртдошларимиз йўллаган ана шундай мактублардан бир нечтаси мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилган.

Истеъдодли шоир Олимжон Бўриев машҳур мўйқалам устаси Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид «Беҳзод ва Ширин» достонини ёзиб, таҳририятимизга топширган эди. Таҳририят ана шу достондан бир парча эълон қилишни лозим топди. Ўтган йиллар ичида адабиётшунос олим Ҳайдарали Узоқов истиқлол учун курашган юртдошларимиз ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилди. Унинг журналимизда эълон қилинган навбатдаги мақоласи ҳам она юртини мустақил кўрмоқчи бўлган Мухторхон Муҳаммадийга бағишланди. Бу мақола ҳам журналхонлар назаридан четда қолмайди деб ўйлаймиз.

Хуллас, «Мулоқот»да чоп этилган мақолалар унинг ўқувчисига юксак маънавият, қатъий иймон ва эътиқод, юртга садоқат, дўстга меҳр-оқибат ва чексиз илҳом бағишлаб, дилида ўз кучига ишонч ҳиссини уйғотади деган умиддамиз.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

«Мулоқот» саҳифаларида



Генералга ҳамма ҳавас қиларди

Марҳум, милиция генерал-майори Комилжон Ғофуровнинг ҳаёти эл-юрт учун бахшида қилинган қисқа ва мазмунли умр бўлди.

У 1949 йили Тошкент туманида таваллуд топди. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатгач, Яккасарой туман ички ишлар бўлимида терговчиликдан Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғигача бўлган ғоят масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Ғофуров жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши беаёв кураш олиб борди. У милиция кучларини моҳирона бошқарди, жиноятчиликни олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда маҳалла фаоллари, давлат идора, ташкилотлари раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб борди. Пойтахтда уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида «Пойтахт», «Тун», «Тозалаш», «Комплекс», «Хонадон» ва бошқа бир қатор тезкор тадбирларни ўтказди. Улар ўз самараларини берди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг бир сессиясида «Пойтахтда одамларимиз кечалари ҳам кўчаларда фарзандлари билан эмин-эркин сайр қилиб юришибди»дейишларининг ўзи ҳам пойтахт, қолаверса, бутун ички ишлар идоралари ходимларининг оғир, масъулиятли хизматларига берган юксак баҳоси эди. Илоҳим юртимизнинг осойишталиги барқарор бўлсин.

Комилжон Ғофуров ҳаммамиз ҳавас қиладиган генерал эди. Унинг иш юритиши, оғир, босиқлик билан гапириши, қўл остидагилар билан муомаласи, ҳатто кийиниши билан ибратли эди. Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг топшириғи билан Тошкент шаҳар ИИББ фаолиятини бошқаришга келган Комилжон ака пойтахтга ишга келгач оғир жиноятчилик, шу жумладан қасддан одам ўлдириш, автоуловни олиб қочиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик бир неча фоизга камайди. Шаҳар ички ишлар идоралари ходимлари қурол, автоулов ва замонавий техника воситалари билан тўлдирилди. Буларнинг ҳаммасида Комилжон аканинг хизматлари беқиёс. Комилжон Ғофуровни унинг сафдошлари шундай эсалашади:

Зокиржон АЛМАТОВ — ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги: — Дўстимиз, ҳамфикримиз Комилжон Ғофуров бевақт оламдан ўтди. Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги учун, халқ осойишталиги учун у соғлигини йўқотди, бемалол айтиш мумкинки, ҳаётини фидо этди. Мен у билан 20 йил мобайнида бир сафда ёнма-ён турдим. Кеча-ю кундуз меҳнат

Инсон хотираси — азиз

қиларди. Республикамиз учун оғир пайтда қўлидан келган ишни қилди. Икки ярим йил давомида Комилжон бошлиқ Тошкент шаҳар милицияси мислсиз ишларни амалга оширди. У доимо: «халқимиз бизнинг ишларимиздан рози бўлармикин, халқимиз олдида ўғлонлик бурчимизни адо қилаяпмизми», деярди.

Турсунхон ХУДОЙБЕРГЕНОВ — Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги: — Тўрт йил унга ўринбосарлик қилдим. 2 йилдан ортиқ биринчи ўринбосари бўлдим. Ҳар доим ука дерди. Охирги пайтда соғлиги жуда ёмонлашди. Касалхонадан қочиб кетгандай чиқди. «Турсунхон ҳозир дам оладиган пайт эмас, мустақиллигимизнинг 3 йиллик тўйини муносиб нишонлайлик, дам олиш қочмас» дердилар. Ўлимидан тўрт кун олдин «Баҳор» концерт залида бутун шахсий таркибни йиғиб йиғилиш ўтказиб улуғ байрамимизни тинч-осуда ўтказиш учун барчага керакли топшириқлар бердилар.

Шундан кейин Комилжон ака билан Мустақиллик майдонига чиқдик. Бир соат айландилар. Байрамни ўтказиш режасини қадам-

ма-қадам юриб туздилар.

Орадан икки кун ўтди. Ҳаммамиз учун айрилиқ бўлди. Комилжон ака умрининг охирги дақиқаларини ҳам халқ хизматига бахшида этди.

Бахтиёр ҲАКИМОВ — Собир Раҳимов тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги: — Комилжон ака кўп қийинчиликларни кўрган одам бўлишига қарамасдан бир оғиз чарчадим, қийналдим деганларини эшитмаганмиз. Аксинча бировга билдирмасликка ҳаракат қиларди. Ҳаёт бўлганида бугун 50 ёшлик муборак тўйини нишонлаб турардик.

Комилжон ака тўғрисида биз журналистлар ҳам ҳар қанча гапирсак камлик қилади. 1993 йил шахсан унинг ўзи бош-қош бўлиб Бош бошқарма матбуот гуруҳи ходимлари учун видеоаппаратуралар жамламасини (монтаж столи, учта монитор телевизор, видеокамералар ва бошқа жиҳозларни) олиб берди. У кишининг шарофати ила Бош бошқармамиз Матбуот гуруҳи бугун бемалол республикамиз телеканалларига бировларнинг ёрдамисиз бир нечта кўрсатувларни тайёрлаб бермоқда.

Бир куни «02 тўлқинида» кўрсатувини эфирга тайёрлаб ўтирганимизда ўзлари келиб қолдилар. Кўрсатувимизни кўриб фикр-мулоҳазаларини билдириб яна чиқиб кетдилар.

Комилжон аканинг Матбуот ходимларига ҳурмати баландлигини шундан ҳам билса бўлади.

Ажойиб инсон, халқимизнинг оташин фарзанди, милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров қисқа умр кўрдилар. Бироқ унинг номи қалбимизда барҳаёт. Бугун Комилжон Ғофуров номига кўча, мактаб-лицейлар берилган. Шунинг ўзи ҳам Мустақиллигимизнинг равнақи йўлида жон берган инсоннинг муқаддас номи бир умр ўчмаслигидан далолатдир.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази ходими.

Инсон 11 ёшгача шаклланади...ми?

Массачусетс университети олимлари истеъдод соҳибларини узоқ йиллар ўрганишди ва қуйидагича хулосага келишди: маълум бўлишича, бўлажак 100 нафар буюк истеъдод соҳибларидан 30 нафари 11 ёшгача буюклик йўлида шаклланиб бўлган. Масалан, Моцарт 7 ёшгача бўлган даврда 4 та сонатани қойиллатиб ёзиб қўйган. Ёки Гётени олайлик. 9 ёшида немис, грек ва лотин тилида шеърлар ёзган. «Кибернетика отаси» бўлмиш Норберт Винер эса 5 ёшиданоқ фанга қизиқиши кучайган. 9 ёшида 18 ёшлилар билан бир синфда ўқиган, 14 ёшида унга олимлик даражаси берилган. Булар-ку туғма истеъдодлар. Бироқ бунинг аксича ҳам бўлиши мумкин, яъни мактаб ё бирор-бир олий ўқув юртида «судралиб» юрган, «иккичилар» қаторидан муқим ўрин олганлар ҳам кейинчалик буюклик шохсупасига кўтарилишган. Масалан, Ж. Байрон ёки В. Скоттлар мактабда «тўнка» ва анқов бўлишган. Чарльз Дарвин ҳам худди шундай «қовоққалла» бўлган. Бироқ кейинги ҳаётларида буюклик даражасига кўтарилишган.

Юрт озодлиги кўзга суртгулик неъмат қадардир.Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Нақурт қишлоғида истиқомат қилаётган 96 ёшли Хўжақул ота Норматов ва 91 ёшли Самар ота Солиевлар суҳбатида ана шу сўз тез-тез такрорланади.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Республика «Оила» илмий-амалий Маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломовага умр йўлдоши **Зоҳиджон УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Навоий вилояти божхона бошқармаси бош инспектори, божхона хизмати майори **Алишер Ҳамдамович ҲАҚҚУЛОВнинг** ҳамда, Навоий вилояти божхона бошқармаси инспектори, божхона хизмати лейтенанти **Ойбек Тўраевич КОМАТОВнинг** хизмат бурчини ўташ чоғида фожиали ҳалок бўлганлари сабабли марҳумларнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асадов Дамин Абдурахмоновичга ўғли **АЛИШЕРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

ОАЖ 1999 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да ўзининг навбатдан ташқари VI умумий йиғилишини (конференцияси) ўтказади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Белариқ кўчаси 22-уйда жойлашган ОАЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади

Кун тартиби:
1. «Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ таркибига кириш учун «Намангангазсувқурилиш» ОТАЖи мурожаатномаси тўғрисида.
2. Бошқа масалалар.

Маълумот учун телефонлар:
53-63-25, 53-52-44, 53-52-21.
Кузатув кенгаши

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи
«Савдогар»
ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки қуйидаги бўш ўринлар учун ишга қабул эълон қилади:

ХУҚУҚШУНОСЛАР

Олий ҳуқуқий билимга эга бўлган ва камида 3 йил шу соҳада ишлаган мутахассис бўлиши керак
Иш ҳақи келишилган ҳолда

Ахборот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уй
Тел: 54-25-13, 54-18-75.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи
«Савдогар» ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки

ўз акциядорларига 1999 йил 23 июль соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 74-уй, Тошкент вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси биносида

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
ўтказилишини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кун тартиби:
1. Банк таъсисчилари сафига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Акциядорлар қайд этилган манзилда соат 8.30 дан 9.45 гача рўйхатга олинади:

Маълумот олиш учун телефонлар:
54-24-05, 54-19-38
Банк кенгаши

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақ[illegible] 21.00
Топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА